



QASHQADARYO VILOYATI MIRISHKOR TUMANI HOKIMINING QARORI

181000 O'zbekiston Respublikasi Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumani Yangi Mirishkor shaharchasi, tel: 652-18-58, 652-10-34, faks: 652-14-65, 652-19-48

2021 - yil 26 - may

180-4-63-Q/21

Mirishkor tumani hokimiyati

Миришкор туман Гулшанбоғ МФЙ худудидаги захира ерларидан фуқаро Тоғаев Усмон Розиковичга фермер хўжалигини юритиш учун ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24, 53 моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги “Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сон қарори, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1 Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаро **Тоғаев Усмон Розикович**га пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилиш учун туман ҳокимлиги захира ерларидан Тожикистон массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг 15-контурларида жойлашган жами 30,17 гектар шундан 29,39 гектар суғориладиган экин ери, 0,78 гектар сув ости ер участкаси 49 йил муддатга ижарага берилсин.

3. “Розикзода деҳқони” фермер хўжалиги раҳбари **Тоғаев Усмон Розикович**га ер участкасига бўлган кадастр йиғма жилдларини шакллантириш, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан мурожаат қилиш (*Давлат хизматлари маркази орқали буюртманоммага асосан*), ер участкасидан белгиланган мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Кадастр агентлиги Миришкор туман бўлими (Б.Хосиятов) ажратилган ер

участкадан мақсадли ва самарали фойдаланилишини доимий назорат қилиб борсин.

5. “Розикзода дехқони” фермер хўжалиги раҳбари Тоғаев Усмон Розиковичнинг аризасида кўрсатилган мол-мулклар устав капиталга киритилмаганда, ер ижара шартномаси суд орқали бекор қилиниши огоҳлантирилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи халқ депутатлари туман кенгашидан сўралсин.

7. Кадастр палатаси Миришкор туман филиали (А.Қаххоров) ажратилган фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгиласин ҳамда давлат ер кадастри ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

8. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари Ж.Абдиназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Ч.Санаев